

Остонада диний саводхонлик курсини битирган аёлларга Қуръон тафсири совға қилинди



10:14 / 20.02.2019 1804

Қозоғистон пойтахти Остонадаги “Ҳазрат Султон” жоме масжидида 160 дан зиёд муслиманинг диний саводхонлик курсини битириши муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Бу ҳақда Muslim.kz хабар бермоқда.

Тажвид қоидаларини ўзлаштирган бу аёл-қизларга Қуръони Карим тафсири совға қилинди. Курсга қатнашган муслималар фикҳ ва ақида борадига билимларини ҳам бойитиш имкониятига эга бўлишди.

Айни пайтда “Ҳазрат Султон” жоме масжиди ҳузуридаги диний саводхонлик курсида 300 дан ортиқ аёл-қизлар сабоқ олишмоқда.

